

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

33-сон
(429)
2010 йил
23 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

276. «Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 178-сон қарори
277. «Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчи-футболчилари таъминоти нормативларини ҳамда уни жиҳозлаш учун мол-мулк рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 179-сон қарори
278. «Таянч касб-ҳунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 августдаги 180-сон қарори

Бешинчи бўлим

279. «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131*)
280. «Нефть ва газ ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 20 июлдаги 138-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2132*)
281. «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 20 июлдаги 2010-28, 54, 01-02/8-13-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 16 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2133*)
284. «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 17 августдаги 64, 2010-34-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2134*)
285. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 18 августдаги 175-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 298-1*)
286. «Ойна ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 22 июлдаги

140-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2135*)

287. «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ҳодимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 4 августдаги 150-Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 19 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 588-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2010 йил 14 августдан 20 августгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

276 Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2010 йил 28 майдаги ПҚ-1345-сон қарорини бажариш юзасидан, республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативидан келиб чиқиб ҳар бир олий таълим муассасаси учун бюджетдан молиялаштириш ҳажмини белгилашни;

бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларига олий таълим муассасалари таъминоти харажатларини, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга ва унга тенглаштирилган тўловларга харажатларни, иш ҳақиға, стипендияларга ҳисобланган, таълим муассасаларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини шакллантиришга, шунингдек бошқа харажатларга, шу жумладан олий таълим муассасаларини ривожлантиришга ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилашга харажатларни киритишни;

олий таълим муассасаларини харажатларнинг базавий нормативларини белгилашда талабалар тайёрлашнинг асосий йўналишларига, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси таъминоти бўйича шаклланаётган харажатларга қараб гуруҳларга бўлишни, шунингдек айрим таълим муассасаларида барча таълим муассасаларини ишончли молиявий таъминлашга қўмаклашадиган харажатларнинг базавий нормативларига тузатиш коэффициентларини қўллашни;

олий таълим муассасаларига ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишдан уларнинг манфаатдорлигини оширишни, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун масъулиятини кучайтиришни ва бюджет интизомини мустаҳкамлашни назарда тутадиган бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасалари харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив-режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин;

бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган республика олий таълим муассасалари бўйича бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларини ҳар йили тасдиқласин, зарурият бўлганда, унга ўзгартиришлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда олий таълим муассасаларининг такомиллаштирилган намунавий штатларини тасдиқласин ва 2010 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритсин, бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълим муассасаларининг маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлари сонини мақбуллаштиришни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълим муассасаларининг барча мавжуд майдонларининг бандлигини ва улардан самарали фойдаланилишини бир ой муддатда ялпи хатловдан ўтказсин;

хатлов якунлари бўйича олий таълим муассасаларининг ортиқча ва фойдаланилмаётган кўчмас мулкни сотиш ёхуд ундан бошқа самарали фойдаланишнинг усуллари бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси олий таълим муассасаларида бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин, зарурият бўлганда, харажатларнинг базавий нормативлари ҳисоб-китобида тақдим этилган кўрсаткичларнинг ишончлилигини текширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 август,
178-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

277 Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчи-футболчилари таъминоти нормативларини ҳамда уни жиҳозлаш учун мол-мулк рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 12 августдаги ПҚ-1388-сон қарорининг 6-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчи-футболчиларини ётоқхона анжомлари, озиқ-овқат билан, шунингдек ўқувчи-футболчиларни ва мураббийларни спорт экипировкаси ва формаси билан таъминлаш нормативлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун зарур бўлган ўқув-машқ, спорт ва хўжалик ускуналари, анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа мол-мулк рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 16 август,
179-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 16 августдаги 179-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчи-футболчиларини ётоқхона буюмлари ва
озик-овқат билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

**1. Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчи-футболчиларининг ётоқхонада яшаши учун
зарур буюмлар**

1 та ўрин учун

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	1 нафар футболчи учун эҳтиёж	Фойдаланиш муддати
1.	Тўшак	та	1	2 йил
2.	Паҳмоқ адёл	та	1	1 йил
3.	Ёстиқ	та	1	1 йил
4.	Чойшаб	та	1	1 йил
5.	Жун адёл	та	1	1 йил
6.	Сочиқ	та	3	1 йил
7.	Ёстиқ жилди	та	3	1 йил
8.	Оқ чойшаб	та	3	1 йил
9.	Кўрпа чойшаби	та	3	1 йил
10.	Кийим шкафи	та	1	5 йил
11.	Жавонча	та	1	5 йил
12.	Стол	та	1	5 йил
13.	Стул	та	1	5 йил
14.	Графин ва стакан	тўплам	1	2 йил

**2. Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчи-футболчилари учун зарур озиқ-овқат рациони**

грамм/кун

Т/р	Маҳсулотлар номи	грамм
1.	Бугдой нон, 1-нав	500
2.	Бугдой уни, 1-нав	20
3.	Картошка уни	2
4.	Ёрма, макарон маҳсулотлари	100
5.	Қанд-шакар	100
6.	Асал	30
7.	Қандолатчилик маҳсулотлари	50
8.	Сариёғ	60
9.	Ўсимлик ёғи	15
10.	Сут	500

грамм/кун

Т/р	Маҳсулотлар номи	грамм
11.	Қаймоқ	20
12.	Сузма	60
13.	Пишлоқ	45
14.	Гўшт, парранда гўшти	300
15.	Колбаса маҳсулотлари	150
16.	Балиқ	70
17.	Тухум (та)	1
18.	Картошка	300
19.	Сабзавотлар, шу жумладан помидор пастаси	450
20.	Мева-резаворлар, шарбатлар, витаминли ичимликлар	700
21.	Қуруқ мевалар, шу жумладан наъматак, баргак	20
22.	Чой	0,5
23.	Қаҳва	2
24.	Йодли туз	8
25.	Хамиртуруш	1
26.	Минерал сув	500

Изоҳ: озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнини уларнинг озиқлик қиммати ва тўйимлилигига кўра алмаштиришга йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 16 августдаги 179-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчи-футболчиларини спорт анжомлари ва
формаси билан таъминлаш
НОРМАТИВЛАРИ**

**I. Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат
ўқувчиларини спорт анжомлари ва формаси билан
таъминлаш**

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Фойдаланишнинг чекланган муддатлари
1.	2 рангдаги ўйин формаси	тўплам	2	6 ой
2.	2 рангдаги гетрлар	та	2	6 ой
3.	2 рангдаги махсус жилет	жуфт	2	2 йил
4.	Махсус пойабзал (бутсилар)	жуфт	2	1 йил
5.	Ҳимоя қалқончалари	жуфт	2	1 йил
6.	Дарвозабон қўлқоплари	жуфт	2	1 йил

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Фойдаланишнинг чекланган муддатлари
7.	Спорт костюми:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	тўплам	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	тўплам	1	1 йил
	жун газламадан	тўплам	2	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	тўплам	2	1 йил
8.	Бош кийим:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	та	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	та	1	1 йил
	жун газламадан	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	1	1 йил
9.	Спорт куртки:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	тўплам	1	2 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	тўплам	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	тўплам	2	1 йил
10.	Свитер:			
	жундан	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	2	1 йил
11.	Спорт шимлари:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	та	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	2	1 йил
12.	Шортиklar:			
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	1	1 йил
13.	Майкалар:			
	узуn англи майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газламадан	та	2	6 ой
	калта англи майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газламадан	та	2	6 ой
	енгсиз майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Фойдаланишнинг чекланган муддатлари
	ип газламадан	та	2	6 ой
14.	Трусиклар:			
	стандарт трусиклар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газлама- лардан	та	2	6 ой
15.	Пайпоқлар:			
	жун газламадан	та	2	6 ой
	ип газламадан	та	2	1 ой
16.	Пойабзаллар:			
	югуриш туфлилари	жуфт	2	1 йил
	кедалар	жуфт	2	6 ой
	сланцлар	жуфт	2	1 йил
17.	Спорт сумкаси	та	1	5 йил
II. Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат мураббийларини спорт анжомлари ва формаси билан таъминлаш				
1.	Спорт костюмлари:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	тўплам	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	тўплам	1	1 йил
	жун газламадан	тўплам	2	1 йил
2.	Бош кийим:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	та	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	та	1	1 йил
	жун газламадан	та	1	1 йил
3.	Спорт курткаси:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	тўплам	1	2 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	тўплам	1	1 йил
	ип газламадан ёки бошқа газлама- лардан	тўплам	2	1 йил
4.	Свитер:			
	жундан	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	2	6 ой
5.	Спорт шимлари:			
	сув ўтказмайдиган газламадан — иссиқ	та	1	1 йил
	сув ўтказмайдиган газламадан — оддий	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	2	6 ой

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Фойдаланишнинг чекланган муддатлари
6.	Шортиклар:			
	сув ўтказмайдиган газламадан	та	1	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	1	6 ой
7.	Майкалар:			
	узун енгли майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газламадан	та	2	3 ой
	калта енгли майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газламадан	та	2	3 ой
	енгсиз майкалар:			
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газламадан	та	2	3 ой
8.	Трусиклар:			
	стандарт трусиклар:			
	сув ўтказмайдиган газламадан	та	1	1 йил
	жун газламадан	та	2	1 йил
	ип газлама ёки бошқа газламалар- дан	та	2	3 ой
9.	Пайпоқлар:			
	жун газламадан	та	2	3 ой
	ип газламадан	та	2	1 ой
10.	Пойабзаллар:			
	югуриш туфлилари	жуфт	2	6 ой
	махсус туфлилар (ботинкалар)	жуфт	2	6 ой
	кедалар	жуфт	2	3 ой
	сланцлар	жуфт	2	1 ой
11.	Спорт сумкаси	та	1	1 йил

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 16 августдаги 179-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун
зарур ўқув-машқ, спорт ва хўжалик ускуналари, анжомлар,
замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт
воситалари, шунингдек бошқа мол-мулк
РЎЙХАТИ**

T/p	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
Асосий асбоб-ускуналар ва анжомлар			
1.	Футбол дарвозалари	та	6
2.	Футбол дарвозалари учун тўрлар	та	12
3.	Футбол тўпи	та	120
4.	1 дан 16 гача рақамли трафаретлар	тўплам	6
5.	Футбол майдонини белгилаш учун байроқчалар	та	18
Назорат-ўлчов, ҳакамлик ва ахборот воситалари			
1.	1 кг.гача бўлган тарозилар	та	2
2.	Намойиш қилиш тахтаси	та	6
3.	Тўплар ичидаги босимни ўлчаш прибори	та	6
4.	50 метрли рулетка	та	6
5.	Ҳакам ҳуштаклари	та	36
6.	Иккита милли ёки электрон секундомер	та	24
7.	Ўйин ҳисоби ёзиладиган ихтисослаштирилган табло	тўплам	1
8.	Ҳакам столи	та	6
9.	Ҳакам стули	та	6
10.	Футбол учун трапларни алмаштириш таблоси	та	6
11.	Спорт ўйинлари учун электрон универсал табло	тўплам	1
12.	Ҳакам байроқчалари	тўплам	6
13.	Милли ахборот спорт соатлари	та	1
14.	Видеокамера	тўплам	3
15.	Мониторли ёки телевизорли видеоманитофон	тўплам	3
Қўшимча асбоб-ускуналар ва анжомлар			
1.	Қия батут	та	6
2.	Тренировка учун футбол дарвозалари	та	6
3.	Кичрайтирилган (2 x 3 м) кўчма футбол дарвозалари	та	6
4.	Мўлжаллаш ҳалқаси	та	6
5.	Футбол майдонини квадратлар билан белгилаш учун ленталар	п/м	1000
6.	Магнит фишкали футбол майдони макети	тўплам	6
7.	12 x 3,5 м ҳажмли тренировка нарвон деворлари	та	3
8.	Ўраш учун тирговучлар	та	60
9.	Қўл, оёқ, елка мускулларини чиниқтириш учун тренажёр	тўплам	3

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
10.	Спортчиларнинг сакраш қобилиятини ривожлантириш учун тренажёр	тўплам	3
11.	Универсал тренажёр	тўплам	3
12.	Товонларни ривожлантириш учун қурилма	та	6
13.	Кўчма қия қалқонлар	та	6
14.	Резина эспандер	та	120
Ёрдамчи асбоб-ускуналар ва анжомлар			
1.	Турли вазнли гантеллар	тўплам	20
2.	Ёмғир ва қуёшдан тўсувчи зонтлар	та	6
3.	Ўрмалаш канатлари	та	20
4.	Металл корзиналар	та	6
5.	Гимнастика тўшамалари	та	20
6.	Турли вазндаги медицинболлар	тўплам	20
7.	Тўпларни дамлаш учун компрессор	та	6
8.	Оғир атлетика учун тахтасупа	тўплам	6
9.	Тўпларни олиб юриш учун тўрлар	та	6
10.	Гимнастика арқони	та	120
11.	Гимнастика скамейкаси	та	12
12.	Гимнастика нарвон деворлари	та	6
13.	Оғир атлетика штангаси	та	6
Машғулотлар ўтказиладиган жойни тартибга солиш учун техник воситалар			
1.	Аэратор (футбол майдонларининг майса қопламларини мустаҳкамлаш учун мослама)	та	3
2.	Қўлда ишлатиладиган ротацион майса ўргич	та	6
3.	Майсали майдонларни белгилаш учун машина	та	1
4.	Қўлда ишлатиладиган ўт тўплагич	та	6
5.	Анжомларни ташиш учун пневматик шинали арава	та	3
Автотранспорт			
1.	«ИСУЗИ МП-21» микроавтобуси (21 ўринли)	та	1
2.	«Дамас» русумли автомобиль	та	1
3.	«Нексия» русумли автомобиль	та	1
Компьютер техникаси			
1.	Марказий аппарат: компьютер принтер	та та	16 12
2.	120 нафар шуғулланувчига мўлжалланган ўқув жараёни учун компьютерлар	та	20
3.	Нусха кўчириш аппарати (А3)	та	2
4.	Ноутбук	та	2
5.	Факс	та	2
6.	LCD-проектор	та	2

T/p	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони
7.	18 та нуқтали тармоқ ускунаси: Switch (C-Net) HUB(TP-link) кабель-бухта(UTP)	та	1 2 1
8.	Рақамли видеокамера	та	3
9.	Рақамли фотоаппарат	та	2
10.	Рангдор лазерли принтер (А 4)	та	1
11.	DVD видеопроектор	та	5
12.	Муסיқали марказ	та	1
13.	Телевизор	та	10
14.	Кенг форматли монитор	та	1
15.	Йўлдошли антенна, тюнер	тўплам	1
Сузиш бўйича асосий асбоб-ускуналар ва анжомлар			
1.	Йўлакчаларни ўраш учун барабан	та	3
2.	Йўлакчалар учун (ҳавза узунлиги бўйича) сузувчи белгилар Тўлқин пасайтиргичлар ва қалқигичлар	та	8
3.	Сузиш учун тахталар	та	25
4.	Сузиш учун лопаткалар: катта ўртача	та та	40 40
5.	Синтетик ватерпол тўпи	та	10
6.	Сузувчиларни махсус тайёрлаш учун тренажёр	та	6
7.	Махсус қўл кучини ривожлантириш учун тренажёр	та	4
8.	Кичик ҳажмли универсал тренажёр	та	4
Ёрдамчи асбоб-ускуналар ва анжомлар			
1.	Сув тозалаш учун филтёр	та	1
2.	Сув сўргичлар	та	1
3.	Ёмғир ва қуёшдан тўсувчи ер зонтлари	та	6
4.	Кийим-бошлар учун корзиналар	та	16
5.	Бошловчи сузувчиларга ёрдам кўрсатиш учун полиэтилен лангарчўплар (узунлиги 3-4 м)	та	3
6.	Пробкали доиралар	та	4
7.	Пластмасса столлар	та	3
8.	Пластмасса стуллар	та	12
9.	Сув учун термометр	та	1

Изоҳ: спорт асбоб-ускуналари ва анжомлари рўйхатини тузишда қуйидаги бошланғич маълумотлардан фойдаланилди: 15 x 10 м ҳажмли 1 та спорт майдончаси, 105 x 68 м ҳажмли 1 та стандарт футбол майдони, 90 x 50 м ҳажмли 2 та ностандарт футбол майдони, 25 x 12 м ҳажмли ёпиқ сузиш ҳавзаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

278 Таянч касб-ҳунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2010 йил 1 июлдаги 131-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Таянч касб-ҳунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 19 август,
180-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 19 августдаги 180-сон қарорига
ИЛОВА

Таянч касб-ҳунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом таянч касб-ҳунар коллежи (кейинги ўринларда таянч коллеж деб аталади) ва унинг филиаллари мақомини, фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш хусусиятларини белгилайди.

2. Таянч коллеж, қоидага кўра, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида, вилоятлар маъмурий марказларида ва республиканинг йирик шаҳарларида замонавий ўқув-методик ва моддий-техника базага, юқори малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқаришга ўқитиш усталарига, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторида талаб юқори бўлган мутахассислар тайёрлашнинг ижобий тажрибасига эга бўлган намунали ва етакчи касб-ҳунар коллежлари негизида ташкил этилади.

3. Таянч коллежнинг филиаллари, қоидага кўра, таянч коллеж билан мутахассислар тайёрлашнинг бир хил ихтисослик йўналишига эга бўлган, маъмурий марказлар ва йирик шаҳарлардан узоқда жойлашган касб-ҳунар коллежлари орасидан танлаб олинади.

4. Таянч коллеж ўз фаолиятини ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига мувофиқ амалга оширади.

II. Таянч коллежнинг мақсади ва вазифалари

5. Таянч коллежнинг филиалларида ихтисосли мутахассисликлар бўйича ўқув-амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг талаб қилинадиган даражасини таъминлаш, ўқитишнинг илғор усуллари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, иш тажрибасини алмашиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишда юқори натижаларга эришиш таянч коллежни ташкил этишнинг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар таянч касб-ҳунар коллежининг асосий вазифалари ҳисобланади (асосий фаолиятга қўшимча тарзда):

ўқув жараёни сифатини оширишга йўналтирилган ўқув-методик раҳбарлик қилиш ва филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш, замонавий таълим ва ахборот технологияларини, масофадан туриб ўқитиш тизимларини ва реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган малакали мутахассисларни тайёрлашнинг бошқа илғор усуллари жорий этиш;

давлат таълим стандартлари талабларига қатъий мувофиқ равишда ўқув дастурлари ва методик қўлланмаларни, ўқитишнинг интерактив усуллари ишлаб чиқиш ва қўллашда филиалларга методик ва амалий ёрдам бериш;

филиалларда ўқув-педагогика ва тарбиявий ишларни олиб боришни ташкил этиш ва амалга оширишга таянч коллежларнинг етакчи ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини кенг жалб этиш, мутахассислар тайёрлашда юқори натижаларга эришиш учун иш тажрибасини алмашишни ташкил этиш;

таянч коллежларнинг моддий-техника ва ўқув-методик базасида филиалларнинг ўқувчилари учун ихтисосли мутахассисликлар бўйича маҳорат дарслари ва амалий машғулотлар ўтказилишини таъминлаш.

III. Таянч коллеж ва унинг филиалларини танлаш тартиби

7. Касб-ҳунар коллежларига таянч коллежлар мақомини бериш учун таянч коллежлар ўртасида танлов ўтказишда қуйидагилар асосий мезонлар ҳисобланади:

зарур моддий-техника базаси мавжудлиги (асбоб-ускуналар, ўқув лабораториялари, устахоналар билан жиҳозланганлик, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлик);

юқори малакали педагог ходимлар мавжудлиги;

маъмурий марказдан (ёки йирик шаҳардан) туман марказига, тумандан — аҳоли пунктига энг мақбул жойлашганлик;

ётоқхоналар мавжудлиги.

8. Касб-ҳунар коллежлари филиаллари мақомини бериш учун таянч

коллежлар ўртасида танлов ўтказишда қуйидагилар асосий мезонлар ҳисобланади:

мутахассислар тайёрлашнинг таянч коллеждагига ўхшаш ихтисосли йўналиши;

маъмурий марказлардан йироқда жойлашганлик;

педагог кадрларнинг касб даражаси ва иш тажрибасини оширишга эҳтиёж мавжудлиги;

ихтисосли йўналиш мутахассислари тайёрлаш бўйича ўқув ва ўқув-методик ишларни кучайтириш ва сифатини ошириш зарурлиги.

Касб-хунар коллежларига таянч коллежларнинг филиали мақоми берилганда уларда юридик шахс мақоми сақланиб қолади.

9. Таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари мақомини бериш ва уни тўхтатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, шунингдек тасарруфида касб-хунар коллежлари бўлган вазирликлар ва идораларнинг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли мутахассисликлар йўналишлари бўйича таянч коллежлар ва уларнинг филиалларига ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари малакасини ошириш масалаларида методологик ёрдам берадиган минтақавий олий таълим муассасаларини белгилайди.

11. Таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Таянч коллежнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Таянч коллеж (асосий ҳуқуқларга қўшимча равишда) қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

а) ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бўлинмаси билан келишган ҳолда филиаллар ўқув-норматив ҳужжатлар, зарур моддий-техника база, малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари, шунингдек ихтисосли мутахассисликлар бўйича ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлигини ўрганиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

б) ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бўлинмасига:

филиалларда янги мутахассисликлар очиш ва талаб бўлмаган йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни тўхтатиш;

биргаликдаги фаолиятнинг аниқ натижаларидан келиб чиқиб филиаллар ходимларини рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш.

13. Таянч коллеж (асосий мажбуриятларга қўшимча равишда) қуйидагиларга мажбурдир:

биргаликдаги фаолият юзасидан филиалларда таянч коллеж қарорлари бажарилишини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш;

кадрлар тайёрлаш сифатини таҳлил қилиш ва улар мониторингини олиб боришда ҳамда ихтисосли мутахассисликлар бўйича филиаллар битирувчиларини ишга жойлаштиришда ёрдам бериш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобига филиалларда бюджетдан ташқари маблағлар шакллантирилишига қўмаклашиш;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланган муддатларда филиаллар бўйича бажарилган ишлар тўғрисида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бўлинмасига ҳисобот тақдим этиш.

14. Таянч коллеж директори бириктирилган касб-ҳунар коллежлари — филиалларда ўқув-методик ишларнинг самарадорлиги учун жавоб беради.

V. Таянч коллеж филиалларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Таянч коллеж филиали (асосий ҳуқуқларга қўшимча равишда) қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

филиаллар ўқув-норматив ҳужжатлар, зарур моддий-техника база, ма-лакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари, шунингдек ихтисосли мутахассисликлар бўйича ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлигини ўрганиш учун ишчи гуруҳлар таркибида қатнашиш;

ўқув-амалий машғулотлар ўтказишни такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи билан таянч коллежнинг илмий-педагогика кенгаши ишида қатнашиш;

таянч коллеж билан биргаликда таянч коллежнинг моддий-техник ресурсларидан фойдаланган ҳолда ўқув-амалий машғулотларни олиб бориш жадвалини ишлаб чиқиш;

таянч коллеж билан биргаликда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш.

16. Таянч коллеж филиали (асосий мажбуриятларга қўшимча равишда) қуйидагиларга мажбурдир:

биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш юзасидан таянч коллежга ҳар томонлама ёрдам бериш ва шарт-шароитлар яратиш;

филиаллар ўқувчилари учун ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда таянч коллежга ёрдам бериш, ўқувчиларнинг қатнашишини таъминлаш;

биргаликдаги фаолият юзасидан таянч коллеж қарорларини бажариш;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланган муддатларда филиаллар бўйича бажарилган ишлар тўғрисида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бўлинмасига ҳисобот тақдим этиш.

17. Таянч коллеж филиали директори таълим жараёни сифатли таъминланиши учун жавоб беради.

**VI. Таянч коллежлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва
филиалларда ишлаганлик учун уларга устамалар
белгилаш тартиби**

18. Таянч коллежларнинг раҳбарлари таркиби, ўқитувчилари ва бошқа ходимларига касб-ҳунар коллежларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жорий этилади.

19. Таянч коллежлар ўқитувчилари томонидан филиалларда машғулотлар ўтказилиши ўриндошлик ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида белгиланган тартибда бир йилда 360 соатдан ортиқ бўлмаган ҳажмда амалга оширилади.

20. Таянч коллежлар ўқитувчиларига иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларига иш ҳақи тарифлаштириш ва уни ҳисоблаб чиқишнинг амалдаги тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ўриндошлик тартибида ўқув-педагогика юкламаси олиб бориш учун таянч коллежлардан жалб этиладиган ўқитувчиларнинг иш ҳақи улар ўриндошлик бўйича ишни бажарадиган филиалнинг педагог ходимлари учун назарда тутилган шартлар бўйича, базавий тариф ставкага филиалнинг харажатлар сметасида назарда тутилган ўқитувчиларнинг иш ҳақи фонди доирасида 20 фоиз миқдорида устама қўшилган ҳолда тўланади.

Таянч коллежлар ўқитувчилари филиалларда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув машғулотлари олиб борганда меҳнатга соатбай ҳақ тўлашнинг амалдаги миқдори 20 фоизга кўпаяди ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш филиалнинг харажатлар сметасида назарда тутилган ўқитувчиларнинг иш ҳақи фонди доирасида амалга оширилади.

21. Филиалларда ўриндошлик бўйича ёки соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув-педагогик юкламани бажарадиган таянч коллежлар ўқитувчиларига устама тўлашга маблағлар белгиланган тартибда филиалнинг харажатлари сметаларида назарда тutilади.

22. Таянч коллежларнинг директорларига, директорларнинг ўқув, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосарларига, методистлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига базавий тариф ставкаларга 20 фоиз миқдоридаги ҳар ойлик устамалар филиаллар билан ишлаш бўйича қўшимча функциялар бажарилганлиги учун белгиланади.

23. Таянч коллежларнинг директорларига, директорнинг ўқув, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосарларига, методист ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳар ойлик устамаларни ҳисоблаш белгиланган тартибда ушбу таянч коллежнинг штат жадвалида рўйхатдан ўтказилган тегишли лавозимлар учун назарда тутилган базавий тариф ставкаларига 20 фоиз миқдорида амалга оширилади.

Таянч коллежларнинг директорларига, директорларнинг ўқув, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосарларига, методистлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳар ойлик устамалар тўлаш-

га маблағлар ушбу таянч коллежларнинг харажатлари сметаларида назарда тутилади.

24. Таянч коллежларнинг филиалларида ўқув-педагогика юкламасини бажарадиган таянч коллежларнинг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари сони ходимлар умумий сонининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

25. Таянч коллежлар филиалларида ишлаганлик учун ҳар ойлик устамаларни тўлашга харажатларни молиялаштириш иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда белгиланган тартибда молия органлари томонидан амалга оширилади.

26. Таянч коллежларнинг ходимларига иш ҳақи ва ҳар ойлик устамаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг тўғрилиги устидан назорат ушбу таянч касб-хунар коллежлари раҳбарларига ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига юкланади.

27. Тайинланган ҳар ойлик устамалар суммаси тегишли касб-хунар коллежининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига киритилади ва уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ижтимоий тўлов ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг таянч коллежларнинг филиалларида ишлаганлик учун ҳар ойлик устамалар шаклида олинган даромадларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинади.

VII. Таянч коллежлар ва уларнинг филиалларида ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида қатнашиши мониторингини олиб бориш

28. Гуруҳларда ўқувчиларнинг тўлиқлиги ва ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида қатнашиши мониторингини амалга ошириш мақсадида ҳар бир таянч коллежи ва унинг филиалларида ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида қатнашишини назорат қилиш дафтари (кейинги ўринларда «Назорат дафтари» деб аталади) юритилади.

29. Назорат дафтари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади.

Назорат дафтарининг варақлари ип ўтказиб тикилган, тартиб рақами қўйилган ва сурғич ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак, ҳар бир вараққа таянч коллеж ёки унинг филиали жойлашган жойдаги молия органи штампи қўйилади.

30. Назорат дафтари ҳар куни директор ёки директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан бевосита ўқув машғулотларига ташриф буюриш, ўқув куни мобайнида ҳар бир ўқув гуруҳи камида бир марта камраб олинган ҳолда юритилади (тўлдирилади).

31. Назорат дафтаридида ўқув гуруҳи рақами, текшириш ўтказилган сана ва вақт, фаннинг номи, ўқитувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, ўқув журнали бўйича тегишли гуруҳ ўқувчилари сони ва уларнинг амалдаги сони, дарсда қатнашмаган ўқувчилар сони кўрсатилади. Текшириш нати-

жалари ўқитувчи ва директор (директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари)нинг имзолари билан тасдиқланади

32. Назорат дафтарига қасддан ёлғон маълумотлар киритилганлиги учун таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ва ўқитувчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

VIII. Таянч коллежлар ва уларнинг филиалларида ўқувчиларнинг ўқув машғулотида қатнашишини назорат қилиш

33. Таянч коллежлар ва уларнинг филиалларида ўқув гуруҳларининг ўқувчилар билан тўлиқлигини ва ўқувчиларнинг ўқув машғулотида қатнашишини текшириш тўсатдан текширишлар ўтказиш йўли билан таянч коллеж ёки унинг филиали жойлашган жойдаги молиявий органлар томонидан амалга оширилади.

34. Гуруҳларда ўқувчиларнинг тўлиқлиги ва ўқувчиларнинг ўқув машғулотида қатнашишини тўсатдан текширишлар (кейинги ўринларда «тўсатдан текширишлар» деб аталади) туман, вилоят ва республика даражаларида ўтказилади.

35. Тўсатдан текширишлар ҳар бир даражада тегишли молия органи, Фазначилик, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимларидан иборат махсус ташкил этиладиган гуруҳлар томонидан ўтказилади.

36. Махсус гуруҳлар таркиби тегишлича Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоят ва Тошкент шаҳар молия бошқармаси бошлигининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Туман махсус гуруҳига тегишли туманнинг молия бўлими мудир, вилоят махсус гуруҳига — Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси тегишли минтақа ҳудудий бошқармасининг масъул ходими, республика махсус гуруҳига — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари бошчилик қилади.

Республика махсус гуруҳи таркибига ҳудудий молиявий бошқарма ва Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси раҳбарлари ва ходимлари ҳам киритилади.

37. Туман махсус гуруҳи аъзолари сони тегишли туманда ҳар бир таянч коллеж ва унинг филиалини бир ойда камида икки марта тўсатдан текшириш ҳисобидан белгиланади.

Вилоят махсус гуруҳлари ҳар бир таянч коллеж ва унинг филиали йил чорагида камида икки марта тўсатдан текширилишини таъминлаши керак.

Республика махсус гуруҳи минтақалардан тушадиган ахборотни таҳлил қилишдан келиб чиқиб тўсатдан танлаб текширишлар ўтказилади.

38. Тўсатдан текшириш бир ўқув куни мобайнида ҳар бир таянч коллежи ёки унинг филиалида камида 10 та гуруҳни қамраб олган ҳолда ўқув

гуруҳидаги ўқувчиларни бевосита санаш ва Назорат дафтарида акс эттирилган маълумотлар билан таққослаш йўли билан ўтказилади.

Бунда биринчи навбатда Назорат дафтарида мувофиқ ушбу кунда таянч коллеж ёки унинг филиали раҳбарияти томонидан ўқувчиларнинг машғулотларда қатнашиши текширилган ўқув гуруҳлари текширилади.

39. Бир таянч коллеж ёки унинг филиали махсус гуруҳнинг айни бир аъзоси томонидан фақат ушбу муассаса махсус гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан икки марта текширилгандан кейин тўсатдан текширилиши мумкин.

40. Тўсатдан текширишлар якунлари бўйича далолатнома тузилади, уни махсус гуруҳ вакили ва таянч коллеж ёки унинг филиали директори имзолайди.

Далолатномада тўсатдан текшириш ўтказилган сана ва вақт, ўқув гуруҳи рақами, фаннинг номи, ўқитувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, рўйхат бўйича ўқувчилар сони ва ўқувчиларнинг амалдаги сони, машғулотда қатнашмаётган ўқувчилар сони акс эттирилади ҳамда Назорат дафтари маълумотлари билан ўқувчиларни ҳақиқатдан санаб чиқиш маълумотлари ўртасида фарқ аниқланишининг барча ҳолатлари қайд қилинади.

41. Агар учта тўсатдан текшириш ўтказиш якунлари бўйича таянч коллеж ёки унинг филиали ўқувчиларининг 25 фоизидан ортиғи қатнашмаётганлиги ҳолатлари аниқланса, у ҳолда, махсус гуруҳнинг тўлиқ таркиби жалб этилган ҳолда уч кун мобайнида таянч коллеж ёки унинг филиали ўқувчилари ҳар бир ўқув машғулотида ҳар куни фамилиялар бўйича санаб чиқилади.

42. Уч кунлик мониторинг натижалари бўйича материаллар ўқувчиларни ўқув машғулотларига жалб этиш, таянч коллеж ёки унинг филиалларида бир турдаги мутахассисликларнинг кам сонли гуруҳларини бирлаштириш йўли билан ўқув гуруҳларида ўқувчиларнинг тўлиқлигини таъминлаш чора-тадбирларини ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни кўриш учун ўрта махсус, касб-хунар таълимининг тегишли ҳудудий бошқармаларига берилади.

43. Туман махсус гуруҳлари ҳар ойда кейинги ойнинг 7-кунигача текширилган ҳар бир таянч коллеж ёки унинг филиали бўйича ўтказилган тўсатдан текширишлар тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан Назорат дафтари маълумотлари билан ўқувчиларнинг амалда санаб чиқилиши маълумотлари ўртасидаги тафовутнинг аниқланган ҳолатларини, шунингдек ўқувчиларнинг паст давомати бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида вилоят молия органларига маълумот беради.

44. Вилоят махсус гуруҳлари ҳар ойда навбатдаги ойнинг 20-кунигача ўтказилган тўсатдан текширишлар тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни тегишли таҳлилий материаллар ва жадваллар билан биргаликда Молия вазирлигига тақдим этади.

45. Ўқув гуруҳлари ўқувчилар билан тўлишининг пастлиги аниқланган тақдирда таянч коллеж ёки унинг филиали директори томонидан таълим муассасасида бу турдаги мутахассисликларнинг кам сонли ўқув гуруҳ-

ларини бирлаштириш чора-тадбирлари кўрилади, ўқитувчиларнинг ўқув юкмаси эса камайтириш томонига қайта кўриб чиқилади.

Бунда, таянч коллеж ёки унинг филиали харажатлари сметаси бўйича режали маблағ ажратиш кам сонли ўқув гуруҳлари бирлаштирилиши ва ўқитувчиларнинг ўқув юкмаси қисқартирилиши муносабати билан белгиланган тартибда кутилаётган маблағни тежаш суммасига камайтирилади.

46. Қўпол интизомий ва молиявий бузишлар аниқланганда материалларнинг нусхаси қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳам берилади.

IX. Таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари ходимларининг ишга келиши ва ишдан кетишини ҳисобга олиш

47. Ходимларнинг ишга келиши ва ишдан кетишини ҳисобга олиш мақсадида ҳар бир таянч коллеж ва унинг филиалида раҳбарият томонидан:

1) Ўқитувчилар, методистлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ишга келиши ва ишдан кетишини ҳисобга олиш дафтари (кейинги ўринларда «Ўқитувчиларни ҳисобга олиш дафтари» деб аталади);

2) Штатдаги бошқа ходимларнинг ишга келиш ва ишдан кетишини ҳисобга олиш дафтари (кейинги ўринларда «Бошқа ходимларни ҳисобга олиш дафтари» деб аталади) тутилади.

Ҳисобга олиш дафтарлари ҳар куни юритилади (тўлдирилади).

48. Ҳисобга олиш дафтарлари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланди.

Ҳисобга олиш дафтарлари варақлари ип ўтказиб тикилган, тартиб рақами қўйилган ва сургич ёки мастика муҳр билан муҳрланган бўлиши керак, ҳар бир вараққа таянч коллеж ёки унинг филиали жойлашган жой бўйича молия органи штампи қўйилади.

49. Ўқитувчиларни ҳисобга олиш дафтари таянч коллеж ёки унинг филиали директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан, бошқа ходимларни ҳисобга олиш дафтари эса — директорнинг маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосари томонидан юритилади.

Ҳисобга олиш дафтарларининг юритилиши ва сақланиши ҳамда унга киритиладиган маълумотларнинг ишончилиги учун таянч коллеж ёки унинг филиали директорининг ўқув ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари жавоб берадилар.

50. Ҳисобга олиш дафтарларида ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (педагоглар учун — таълим фани), ишга келиш ва ишдан кетиш санаси ва вақти кўрсатилади. Ҳисобга олиш дафтарларида кўрсатилган маълумотлар ҳар бир ходим ҳамда таянч коллеж ёки унинг филиали директорининг ўқув ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари имзолари билан тасдиқланади.

51. Ҳисобга олиш дафтарлари бир иш куни мобайнида икки марта тўлдирилади (қайд этилади).

Таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари ходимлари (кейинги ўринларда «ходимлар» деб аталади) ҳар куни, ишга келган заҳоти Ҳисобга олиш дафтарига ишга келиш вақти тўғрисидаги ёзувни киритган ҳолда директорнинг тегишли ўринбосарлари томонидан қайд этилади ва бу имзо билан тасдиқланади.

Шунга ўхшаш тартибда ходимлар томонидан ҳар куни ишдан кетиш олдидан Ҳисобга олиш дафтарига ишдан кетиш вақти тўғрисидаги ёзув киритилади.

Иш куни якунлари бўйича Ҳисобга олиш дафтарларини таянч коллеж ёки унинг филиали директори тасдиқлайди.

52. Ходим узрли сабаб билан ишда ҳозир бўлмаган тақдирда имзолар устунига тегишли белги қўйилади (малака ошириш — м/о, хизмат сафари — х/с, касаллик варақаси — к/в, ўз ҳисобидан таътил — ўз/т ва хоказо).

53. Худудий молиявий бўлимлар раҳбарлари Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси худудий бошқармаларининг туманларга бириктирилган тафтишчи бухгалтерлари билан биргаликда бир ойда камида икки марта ҳисобга олиш дафтарларининг тўғри ва ўз вақтида юритилишини текширадилар.

Текшириш якунлари бўйича материаллар белгиланган тартибда зарур чора-тадбирлар кўриш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тегишли худудий бошқармаларига юборилади.

54. Назорат-тафтиш бошқармалари томонидан таянч коллежлар ва уларнинг филиаллари режа тартибида тафтиш қилинганда молия-хўжалик фаолияти текширилиши билан биргаликда Ҳисобга олиш дафтарлари тўғри юритилиши ва худудий молия бошқармаларига тақдим этиладиган ҳисоботлар тузилиши текширилади, бу ҳам тафтишлар далолатномаларида акс эттирилади.

Х. Якунловчи қоида

55. Таянч коллежлар ва уларнинг филиалларининг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

279 Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131*

(2010 йил 23 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 228-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 225-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва амалдаги қонунчилик нормаларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1999 йил 22 мартда 01/12-1327-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 майда ЭГ/02-6405/1050-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 1 мартда 02/8-45-сон билан тасдиқланган Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидалари (рўйхат рақами 787, 1999 йил 30 июль)

(Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 248-модда);

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2000 йил 6 январда ВР-01/12-62-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 7 январда 5-сон, 02/8-02-сон билан тасдиқланган «Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда 787-сон билан рўйхатга олинган Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларига 1-сон қўшимча» (рўйхат рақами 787-1, 2000 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 2-сон, 22-модда);

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 2000 йил 30 июнда ЭГ-01/12-3409-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 945, 2000 йил 13 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон, 39-модда);

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 25 майдаги НН-01/10-2298-сон «Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 945-1, 2005 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 164-модда).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 19 июль,
ЭГ-01/10-4014-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 19 июль,
60-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 19 июль,
01-02/8-10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги,
Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил
19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60,
01-02/8-10 сон қарорига
ИЛОВА

**Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й. 9-сон, 228-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 225-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини белгилайди.

I. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун мурожаат этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

ваколатли орган — зиммасига сертификат бериш функцияси юклатилган орган. Ўзбекистон Республикасида ваколатли орган бўлиб «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ ва унинг бўлинмалари ҳисобланади.

ваколатли шахс — ваколатли органнинг сертификатни гувоҳлантириш учун масъул бўлган мансабдор шахси.

ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш — эксперт томонидан ариза берувчининг ишлаб чиқаришини мазкур Низомда белгиланган тартибда кўздан кечирилиши.

Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат (бундан буён сертификат деб юритилади) — товарларнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисида аниқ далолат берувчи ҳужжат, шу жумладан электрон шаклдаги ҳужжат.

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш (бундан буён сертификатлаш деб юритилади) — кейинчалик товарларнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш, гувоҳлантириш ёки товарларнинг бошқа мамлакатлардан келиб чиқишини тасдиқлаш

орқали, товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш процедураси.

эксперт — ваколатли органнинг зиммасига экспертиза ўтказиш, экспертиза далолатномасини ёки эксперт хулосаси ва сертификатни расмийлаштириш функцияси юклатилган вакили.

2. Сертификат ваколатли орган томонидан товарнинг келиб чиқиш мамлакатини гувоҳлантириш мақсадида расмийлаштирилади ва товар олиб кириладиган мамлакатнинг қонунчилигига мувофиқ имтиёзлар олиш учун қўлланилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни олиб чиқиб кетиш вақтида сертификат, башарти унинг зарурлиги тегишли шартномаларда, товар олиб кириладиган мамлакатнинг миллий қоидаларида қайд этилган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган бўлса, шунингдек экспортёрнинг талаби бўйича берилади.

4. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш тамойиллари мавжуд халқаро амалиётга асосланади.

II. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари

5. Товарлар батамом ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишланган мамлакат товарнинг келиб чиқиш мамлакати ҳисобланади.

Бир гуруҳ мамлакатлар, мамлакатларнинг божхона иттифоқлари, минтақа ёки башарти, товар ишлаб чиқарилган жойни аниқлаш мақсади ажратиб кўрсатишни тақозо этса, бирор мамлакатнинг муайян қисми товар ишлаб чиқарилган мамлакат деб ҳисобланиши мумкин.

6. Қуйидаги товарлар мазкур мамлакатда батамом ишлаб чиқарилган деб ҳисобланади:

а) унинг ҳудудидан ёки ҳудудий сувларидан ёхуд континенталь шельфидан ва денгиз остидан олинган фойдали қазилмалар, агар мамлакат денгиз остини қазиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлса;

б) унинг ҳудудида ўстирилган ёки йиғиб олинган ўсимлик маҳсулотлари;

в) мамлакатда туғилган ва парвариш қилинган тирик ҳайвонлар;

г) мамлакатда етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулот;

д) мамлакатда тайёрланган овчилик, балиқчилик ва денгиз ови маҳсулотлари;

е) мамлакат кемаларида ёки у ижарага олган (фрахт қилинган) кемаларда жаҳон океанида овланган ва (ёки) тайёрланган денгиз ови маҳсулотлари;

ж) мамлакатдаги ишлаб чиқариш ёки бошқа операцияларнинг натижаси бўлмиш иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар;

з) мамлакатга қарашли ёки у ижарага олган космик кемаларда очик космосда олинган юқори технология маҳсулотлари;

и) мамлакатда мазкур банднинг «а» — «з» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган махсулотлардангина ишлаб чиқарилган товарлар.

7. Агар товарни ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этаётган бўлса, товарнинг келиб чиқиши унинг «етарли даражада қайта ишланганлиги» мезонига мувофиқ аниқланади.

8. Ушбу мамлакатда товарнинг «етарлича даражада қайта ишланганлиги» мезони қуйидагилардан иборат:

товарни қайта ишлаш натижасида товар позициясининг (товарнинг таснифловчи кодининг) ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгариши;

адвалор улуш коидаси — фойдаланилган материаллар қийматининг ёки қўшилган қийматнинг фоизлардаги улуши етказиб берилаётган товар баҳосининг қайд этилган улушига етганда, товар қийматининг ўзгариши.

9. Агар аниқ товар ёки аниқ мамлакатга (мамлакатларга) нисбатан товарнинг келиб чиқиши мезони алоҳида белгиланмаган бўлса, ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида товар позициясининг (товарнинг таснифловчи кодининг) ўзгариши содир бўлса, товар етарли даражада қайта ишланганлиги тўғрисидаги коида қўлланилади.

10. Етарли даражада қайта ишланганлик мезони адвалор улуш орқали ифодаланган ҳолатларда, қийматли кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

а) импорт қилинаётган материаллар учун — олиб киришда бож олинadиган (СИФ негизида) қиймат бўйича; ёки агар уларнинг келиб чиқиши номаълум бўлган ҳолда, — ишлаб чиқариш амалга ошириладиган мамлакат ҳудудида белгиланган биринчи сотув баҳоси бўйича;

б) тайёр товарлар учун — франко-завод баҳоси ёки экспорт баҳоси бўйича.

11. Қуйидагилар «етарли даражада қайта ишланганлик» мезонига жавоб бермайди деб ҳисобланади:

а) сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

б) товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш);

в) оддий йиғув операциялари;

г) товарларни (таркибий қисмларни) аралаштириб ҳосил қилинган махсулотга унга дастлабки таркибидан жиддий фарқланадиган хусусиятларни бермаслик;

д) юқорида кўрсатилган операцияларнинг икkitаси ёки ундан ортиғини бир вақтда амалга ошириш;

е) чорва молларини сўйиш.

12. Ишлаб чиқариш ёки транспорт шароитларига кўра, товарларни битта туркум қилиб жўнатишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли улар бўлиб-бўлиб

ёки йиғилмаган ҳолда етказиб берилса*, унинг келиб чиқишини аниқлаш нуқтаи назаридан импортёрнинг хоҳишига кўра, ягона предмет деб қаралиши керак**.

13. Товарларнинг келиб чиқишини аниқлашда, уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган иссиқлик ва электр энергияси, машиналар, ускуна ва асбобларнинг келиб чиқиши инобатга олинмайди.

III. Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат

14. Товарнинг келиб чиқиши, экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакат томонидан белгиланган тартибда ва шаклда ваколатли орган томонидан берилган сертификат билан тасдиқланади.

15. Сертификат кўрсатилган товар муайян мамлакатдан келиб чиққанлигидан аниқ далолат бериши, яъни унда қуйдагилар бўлиши лозим:

а) товарнинг муайян мамлакатда ишлаб чиқарилганлигининг тегишли мезонига мослиги ҳақида экспортёрнинг ёзма декларацияси (СТ-1 шаклдаги ва Бош Преференциялар Тизимининг А шаклидаги сертификатлар учун).

б) сертификатда келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги тўғрисида товар олиб чиқиб кетилаётган мамлакатнинг ваколатли органининг ёзма гувоҳномаси.

16. Товарнинг импорт қилиниши чоғида, унинг мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида гувоҳлик бериш учун, Ўзбекистон Республикасининг божхона органига экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан белгиланган тартиб ва шаклда берилган сертификат тақдим этилиши лозим.

17. Сертификат Ўзбекистон Республикаси божхона органларига рус ёки инглиз тилларида тақдим этилади. Бошқа тилда тўлдирилган сертификат, божхона органига, ўрнатилган тартибда, расман тасдиқланган ўзбек (рус) тилидаги таржимаси билан бирга тақдим этилиши керак. Қўлда босма ҳарфлар билан тўлдирилган, экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан гувоҳлантирилган сертификатни қабул қилишга рухсат этилади. Ваколатли орган томонидан гувоҳлантирилмаган, ўзгарти-

* Бу қоида, шунингдек бир туркум товар нотўғри тақсимланиши ёки манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли бир неча туркумга бўлинган ҳолларда ҳам қўлланилади.

** Ушбу қонданинг қўлланиш шарти қуйдагилардан иборат:

бўлақларга бўлинган ёки йиғилмаган товарнинг бир неча туркумга тақсимланганлигини, бундай тақсимлаш сабабларини, ҳар бир туркумга кирадиган товарларнинг ТИФ ТН бўйича кодлари, қиймати ва уларни ишлаб чиқарган мамлакатни кўрсатган ҳолда ҳар бир туркумнинг батафсил таснифини Ўзбекистон Республикаси божхона органига олдиндан маълум қилиш;

барча туркумдаги товарларнинг битта мамлакатдан битта экспортёр орқали етказиб берилиши;

товарларнинг барча туркумларини битта божхона постида расмийлаштириш;

барча туркумдаги товарларнинг шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирмай етказиб берилиши.

риш ёки тузатишларга эга бўлган сертификатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

18. Сертификат божхона декларацияси ва божхонада расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Сертификат йўқотилган тақдирда, уни берган ваколатли орган томонидан расмий равишда тасдиқланган дубликати қабул қилинади.

19. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товар импорт қилинганда сертификат қўйидаги ҳолларда божхона органларига тақдим этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси томонидан тариф преференциялари берилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

б) мазкур мамлакатдан импорт қилиниши миқдорий чекловлар (квоталар) орқали ёки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа усуллари орқали тартибга солинадиган товарларга;

в) башарти бу Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бўлса;

г) божхонада расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларда товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ёки божхона органида товарларнинг келиб чиқиши тўғрисида нотўғри маълумотлар декларацияланмокда деб ҳисоблашга асос бўлган ҳолларда.

20. Катта туркумларда бўлмаган (фактура қиймати 5000 АҚШ доллари-гача бўлган) товарларнинг келиб чиқишини гувоҳлантиришда, экспортёр товарнинг келиб чиқиш мамлакатини ҳисобварақ-фактурада ёки товарнинг кузатув ҳужжатларида қўйидаги шартларда декларациялаши мумкин:

мазкур товарлар туркуми битта шартнома доирасида етказиб берилаётган товарлар туркумининг бир қисми бўлмаса;

ҳисобварақ-фактурада ва/ёки бошқа товарнинг кузатув ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар уларни бериш ваколатига эга бўлган ташкилотлар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган бўлса.

21. Лозим даражада расмийлаштирилган сертификат ёки сўралган маълумотлар тақдим этилмагунига қадар, товар мазкур мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисобланмайди.

Мазкур банднинг биринчи хатбошиси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, келиб чиқиши ишончли белгиланмаган товарлар Ўзбекистон Республикаси-га Ўзбекистон Республикаси бож тарифининг максимал ставкалари бўйича божхона божлари тўланган ҳолда киритилади.

22. Лозим даражада расмийлаштирилган келиб чиқиш тўғрисидаги сертификат ёки маълумотларнинг тақдим этилмаслиги, товарни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтказишни рад этиш учун асос бўлмайди.

Божхона органи, Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро битимларга ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ товарлари Ўзбекистон Республикасига киритилмайдиган мамлакатда ишлаб чиқарилган деб ҳисоблашга асослар бўлсагина, товарларни киритишни рад этиши мумкин.

23. 19-банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган товарларга нисбатан, божхонада расмийлаштириш амалга оширилган санадан узоғи билан бир йил ичида уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тегишли гувоҳнома олинса, энг кўп қулайлик бериш режими ёки преференциал режим қўлланилиши (қайта тикланиши) мумкин.

**IV. 1994 йил 15 апрелдаги Эркин иқтисодий зонани
яратиш тўғрисидаги Битим иштирокчи-давлатларининг
товарлари учун келиб чиқиш мамлакатини аниқлашнинг
ўзига хос хусусиятлари**

24. Мазкур Низомнинг алоҳида қоидаларини талқин этишда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳукуматлари раҳбарлари Кенгашининг 1993 йил 24 сентябрдаги қарори билан, кейинчалик киритилган ўзгартиришлар билан бирга тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидаларининг асл нусхасидан фойдаланилади.

25. Товарнинг Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги Битим иштирокчи-давлатининг божхона ҳудудидан келиб чиққанлигини гувоҳлантириш учун Ўзбекистон Республикаси божхона органига Битим иштирокчиси бўлган келиб чиқиш мамлакатининг ваколатли органи томонидан берилган сертификат (СТ-1 шакл) тақдим этилиши лозим.

26. Товар, агар у мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган келиб чиқиш мезонларига мувофиқ бўлса, Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги Битим иштирокчи-давлатларидан бирортасининг резиденти томонидан экспорт қилинаётган ва Битимнинг бошқа иштирокчи давлати божхона ҳудудидан ушбу Битимнинг иштирокчи-давлати резиденти томонидан олиб кирилаётган бўлса, 1994 йил 15 апрелдаги Эркин иқтисодий зонани яратиш тўғрисидаги Битим иштирокчи-давлатининг божхона ҳудудидан келиб чиққан деб ҳисобланади. Бунда резидент деганда, ушбу давлат ҳудудида тузилган ташкилот ёки ушбу давлат ҳудудида доимий яшовчи жисмоний шахс тушунилади.

**V. Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган
товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича
экспертиза ўтказиш тартиби**

27. Сертификат олиш учун ариза берувчи товарни юклаш амалга оширилаётган жойдаги ваколатли органга мазкур Низомнинг I-иловасига мувофиқ шаклда ёзма ариза тақдим этади.

Аризага раҳбар ёки ваколатли масъул шахснинг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида рўйхатга қўйилган ёки ҳисобга олинган етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги шартнома; товарнинг юкланаётган туркумига ҳисобварақ-фактура (инвойс);

ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи), экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё ва қисмларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар (хом ашёни етказиб бериш бўйича шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар ёки Ўзбекистон Республикасига хом ашё ёки қисмларни олиб киришдаги юк божхона декларациялари);

товарни тайёрлаш технологик жараёнининг бажарилишига асос бўладиган ҳужжатлар.

Ишлаб чиқарилишида импорт қилинган қисмлар, хом ашё материаллари, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлатилган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича мурожаат қилинган ҳолда, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча тарзда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

товарнинг фойдаланилган материалларнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда таннархининг ҳисоби (товарларнинг келиб чиқишини адвалор улуш қоидаси бўйича аниқлаш зарурати бўлган ҳолларда);

товар позициясининг (товарнинг тасниф кодининг) товарни қайта ишлаш натижасида содир бўлган ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгаришининг асоси (келиб чиқиш мезони алоҳида айтиб ўтилмаган ҳолларда).

Тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

28. Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш ариза белгиланган тартибда топширилган санадан бошлаб 3 иш куни мобайнида амалга оширилади. Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисида қўшимча маълумотларни олиш зарурати туғилган ҳолда аризани кўриб чиқиш муддати 6 иш кунигача узайтирилиши мумкин.

29. Товарнинг келиб чиқишини сертификатлаш учун тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун ариза берувчи жавобгардир.

30. Ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) жараёнини ўрганишдан ва товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқишини тасдиқлаш учун экспертиза буюртмачиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилишдан бошланади. Эксперт қуйидагилар билан танишиб чиқиши ва ўрганиши керак:

Мазкур Низомнинг 27-бандида кўрсатилган ҳужжатларни;

экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлиб ҳисобланмайдиган ариза берувчи мурожаат этган ҳолларда, экспорт қилинаётган товар туркумининг мавжудлигини текширади;

экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқарувчиси бўлган ариза берувчи мурожаат этган ҳолларда, экспорт қилинаётган товарни ишлаб чиқариш учун объектив шароитларни текширади.

Иш жараёнида эксперт экспорт қилинаётган товар келиб чиқиш мезонларидан қайси бирига: маҳсулотнинг батамом ишлаб чиқарилганлиги ёки маҳсулотнинг етарлича қайта ишланганлигига мос келишини аниқлаши керак.

Башарти экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикасидан

келиб чиқиши тасдиқланса ва келиб чиқиш мезони аниқланса, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда экспертиза далолатномаси тузилади.

31. Экспертиза далолатномаси товарнинг жўнатишга тайёр бўлган туркумига расмийлаштирилади.

32. Далолатнома эксперт томонидан аниқ, қисқартиришларсиз (умумий қабул қилинганлардан ташқари) ва бўялишларсиз расмийлаштирилган бўлиши керак. Тузатишларга эксперт томонидан изоҳ берилиши ва унинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

33. Экспертиза далолатномасида тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги барча маълумотлар, текшириш натижалари кўрсатилган бўлиши ва товарнинг келиб чиқишини аниқлашнинг аниқ асоси келтирилиши керак.

34. Экспертиза далолатномаси бир нусхада расмийлаштирилиб, ваколатли органда сақланади.

35. Товарнинг Ўзбекистон Республикасидан келиб чиқиши тўғрисидаги эксперт хулосасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари экспертиза далолатномаси билан бирга архивда уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланади.

36. Агар экспертиза натижасида товарнинг Ўзбекистон Республикасида «етарли даражада қайта ишланганлик» мезонига риоя қилинмаганлиги аниқланса ёки товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш имкони бўлмаса, экспортёрга тақдим этилган товар Ўзбекистон Республикасидан келиб чиққан товар сифатида таснифлана олмаслиги тўғрисида, сабаблари кўрсатилган ҳолда, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда эксперт хулосаси берилади.

37. Эксперт ишлаб чиқаришни экспертиза қилиш жараёнида мазкур ташкилотда амал қилувчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши шарт.

38. Қонунчиликка мувофиқ эксперт, экспертизанинг объективлиги, сифати ва ўз вақтида ўтказилишига ҳамда экспертиза далолатномасининг лозим даражада расмийлаштирилишига жавобгардир.

VI. Сертификатни расмийлаштириш

39. Сертификат товарнинг жўнатишга тайёр бўлган туркумига, Бош Преференциялар Тизимида мувофиқ преференциялар тақдим этувчи хорижий давлатларга экспорт қилинаётган товарларга А шаклда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига — СТ-1 шаклда, бошқа давлатларга — мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ умумий шаклда ёки Ўзбекистон Республикаси билан тузилган Битимларда белгиланган шаклларда расмийлаштирилади.

Сертификатни бир вақтнинг ўзида битта юк олувчининг манзилига бир йўналишда жўнатилаётган товар туркумига расмийлаштиришга рухсат этилади.

Экспортёрнинг ихтиёрига кўра, сертификат алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига берилиши мумкин.

40. Қоида бўйича, товарга берилган сертификат, шу товар тўғрисида қуйидаги зарурий маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- а) экспортёрнинг номи ва манзили;
- б) импортёрнинг номи ва манзили;
- в) транспортда ташиш воситалари ва ҳаракатланиш маршрути (қанчалик аниқлигига қараб);
- г) ўринлар сони ва ўраб-жойлаш тури, товарни идентификациялаш учун зарур бўлган барча маълумотларни ўз ичига олувчи товарнинг баёни;
- д) брутто ва соф оғирлиги (ушбу кўрсаткичлар бошқалар билан, масалан, товар бирликлари сони ёки ҳажми кабилар билан алмаштирилиши мумкин, башарти товарни транспортда ташишда унинг вазни сезиларли даражада ўзгарса ёки бу бирликлар товарнинг ушбу турига стандарт қўлланилса);
- е) ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси.

41. Сертификат ваколатли шахс томонидан имзоланади ва ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқланади. Сертификатнинг гувоҳлантириш жойи (шаҳри) ва санаси, шунингдек, ваколатли органнинг номи ва тўлиқ манзили кўрсатилади.

42. Сертификатларни тасдиқлаш мажбурияти юклатиладиган шахслар имзоларининг намуналари ва ваколатли орган муҳрларининг босма нусхалари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига, шунингдек, бошқа давлатларнинг ваколатли органларига юборилади.

43. Сертификат бир нечта нусхада, битта асл нусха ва қолган нусхалари «копия» («нусха») белгиси билан тузилади.

Ариза берувчининг асосланган мурожаатига кўра сертификатнинг «банкка тақдим этиш учун» белгиси қўйилган иккинчи асл нусхаси берилиши мумкин.

44. Ҳар бир сертификат уни идентификациялаш мумкин бўлган одатий тартиб рақамига эга бўлиши керак. Бу рақам қуйидаги элементлардан иборат бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи UZ — иккита ҳарфдан;

дунё мамлакатлари Классификаторига мувофиқ, товар экспорт қилинаётган давлатни ифодаловчи, иккита ҳарфдан (агар Ўзбекистон Республикаси билан имзоланган битимларда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса);

йилни ифодаловчи ва жорий йилнинг сўнгги рақамига мос келувчи битта рақамдан, масалан, 0 рақами 2010 йилни англатади;

Ўзбекистон Республикасида ҳужжатни берган ваколатли органнинг бўлинмасини ифодаловчи икки хонали рақамдан;

берилган сертификатнинг беш хонали тартиб рақамидан.

45. Ариза берувчининг асосланган илтимосига кўра сертификатни товар жўнатиладиган сўнг гувоҳлантиришга рухсат этилади. Бу ҳолда, мазкур Низомнинг 27-бандида санаб ўтилган ҳужжатларга ариза берувчи томонидан қўшимча равишда, товарнинг кузатув ҳужжатлари ва божхона органларининг товарнинг жўнатиладиганини тасдиқловчи белгиси қўйилган юк божхона декларацияси тақдим этилади. Бундай ҳолларда сертификатнинг

«Хизмат белгилари учун» устунларида «Кейинчалик берилган» ёзуви бўлиши керак.

46. Сертификат йўқолган ёки бузилган ҳолларда манфаатдор ташкилот ариза берувчи томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатлар асосида гувоҳлантириладиган дубликат олиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай сертификатнинг дубликати, сертификат асл нусхасининг расмийлаштирилган санаси ва рақами кўрсатилган ҳолда, «дубликат» ёзувига эга бўлиши керак. Бунда дубликатга аввал берилган сертификат асл нусхасининг рўйхатга олиш рақами ва дубликат расмийлаштирилган куннинг санаси қўйилади.

47. Аввал берилган сертификатни қайта расмийлаштириш зарурати туғилганда, ариза берувчи асослантирилган ёзма мурожаат асосида, янги сертификат олиш ҳуқуқига эга. Бунда «Хизмат белгилари учун» устунларига бекор қилинган/қайта расмийлаштирилган сертификатнинг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда, «Сертификат ўрнига берилган» ёзуви киритилади. Аввал берилган сертификатнинг ўрнига берилган сертификатга янги рўйхатга олиш рақами ва янги сертификат расмийлаштирилган куннинг санаси қўйилади.

48. Агар сертификатнинг ҳақиқийлигига ёки ундаги экспорт қилинаётган маҳсулотга тегишли бўлган маълумотларнинг аниқлигига шубҳа туғилиши муносабати билан, Европа Иттифоқининг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бошқа мамлакатларнинг органлари Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилган сертификатни текшириш учун қайтарса ёки расмий талаб йўлласа, ваколатли орган сертификатлаш ва сертификатларни тасдиқлашнинг белгиланган тартибига риоя қилинганлигини текшириш бўйича чоралар кўради, зарур бўлганда мазкур товарнинг экспорт қилувчилари — ташкилотлар жалб этилади.

Бундай текширув натижалари бўйича импортёр-мамлакатнинг сўровнома юборган органига ахборот юборилади.

VII. Товарнинг келиб чиқишини тасдиқлаш

49. Товарларнинг алоҳида турларини импорт, экспорт ёки реэкспорт қилишда уларнинг мазкур мамлакатдан келиб чиққанлигини гувоҳлантириш учун божхона органларига, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан СТ-1 шаклидаги сертификат бланкасида ёки мос равишда умумий шаклдаги сертификат бланкасида берилган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тасдиқнома тақдим этилиши мумкин.

50. Сертификатни тасдиқлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

агар товарларнинг асосий туркуми товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат билан бирга келиб тушган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг божхона омборларидан/омборларида реализация қилинадиган товарларнинг алоҳида туркумларига;

товарга нисбатан ваколатлар бошқа шахсга берилганида;

Ўзбекистон Республикасига бошқа мамлакатлардан товарларнинг келиб

чиқиши тўғрисидаги сертификат билан бирга реэкспорт режимида келиб тушган товарларга.

51. Сертификатни тасдиқлаш учун ариза берувчи товарни божхонада расмийлаштириш амалга оширилаётган жойдаги ваколатли органга мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ёзма ариза тақдим этади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатда белгиланган тартиб ва шаклда ваколатли орган томонидан берилган сертификатнинг асл нусхаси ёки дубликати, шу жумладан, электрон шаклдаги сертификат.

товарнинг кузатув ҳужжатларининг (кирувчи инвойслар, ўраш варақалари, божхона белгиси қўйилган транспорт накладнойлари, юк божхона декларациялари (агар мавжуд бўлса)), ваколатли органда рўйхатга ва ҳисобга олинган шартноманинг, товарга нисбатан ваколатларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари.

52. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлашда қуйидагиларнинг мавжуд бўлиши мажбурий шарт бўлиб ҳисобланади:

экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатда белгиланган тартиб ва шаклда ваколатли орган томонидан берилган, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органида олиб қолинadиган ва сақланadиган, сертификатнинг асл нусхаси ёки дубликати, шу жумладан, электрон шаклдаги сертификат.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органида товарни экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатда сертификатларни гувоҳлантиришга масъул бўлган ваколатли органларнинг муҳрлари ва шахслари имзоларининг намуналари.

Тасдиқлашга қабул қилинган сертификатлар, агар уларни расмийлаштириш санасидан бошлаб 36 ойдан ошмаган бўлса, кўриб чиқилади.

53. Юқорида кўрсатилган намуналар бўлмаганда, сертификатнинг ҳақиқийлиги ёки ундаги ахборотнинг аниқлигига шубҳа туғилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи сертификатни расмийлаштирган ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда сертификатни текширади ёки товарнинг келиб чиқиш мамлакати ёхуд сертификатни расмийлаштирган мамлакатнинг ваколатли органларига сўровнома юборади.

54. Сертификат Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан товарнинг келиб чиқишини тасдиқлаш мақсадлари учун қуйидаги ҳолларда қабул қилинмаслиги мумкин:

сертификатда хато маълумот аниқланса;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан товар олиб чиқиладиган мамлакат ёки ишлаб чиқарилган мамлакатнинг ваколатли органларидан сўралаётган сертификат тўғрисида 3 ой муддат ичида (биринчи сўровнома юборилган санадан бошлаб 1 ой муддат ичида ва иккинчи бор сўровнома юборилган санадан бошлаб 2 ой муддат ичида) ахборот олинмаса;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органида, товарни олиб чиқувчи мамлакатнинг ваколатли органларидан сертификатнинг берилмаганлиги (қалбакилаштирилганлиги), ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар ва/ёки нотўғри маълумотлар асосида берилганлиги ёки экспорт/реэкспорт қилувчи мамлакат-

нинг белгиланган талаблари бузилган ҳолда берилганлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлса.

55. Сертификат Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқлаш мақсадлари учун тан олинмаган ҳолларда, рад этишнинг асосланган сабаблари кўрсатилган эксперт хулосаси тузилади.

VIII. Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш учун тўлов тўлаш

56. Экспертизани ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш харажатларини ариза берувчи тўлайди.

57. Экспертиза ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш, шунингдек, эксперт хулосаси расмийлаштирилган ҳолларда, ариза берувчи томонидан ваколатли органга қонунчиликда ўрнатилган тартибда ваколатли орган томонидан белгиланадиган миқдорда тўлов тўланади.

Ўзбекистон Республикасида товарларнинг
келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

АРИЗА

(товарларнинг келиб чиққанлиги тўғрисидаги
сертификатни олиш учун)

Экспортёр _____
«Ўзбекэкспертиза» ОАЖ билан _____ санада тузилган
_____сонли шартнома асосида товар(лар)нинг келиб чиқиш мамлакатини
аниқлаш бўйича экспертиза ўтказиш ва товар(лар)нинг келиб чиққанлиги
тўғрисидаги сертификатни расмийлаштириш учун, эксперт ажратишингиз-
ни сўрайди.

Товар(лар)нинг номи _____
Ҳажми _____ оғирлиги _____ кг/м

Ишлаб чиқарувчи (тайёрловчи) _____
Юк жўнатувчи _____

Юк қабул қилувчи (сотиб олувчи) ва унинг манзили _____

Юк жўнатиш тури _____

Жўнатилиш станцияси: _____

Қабул қилиш станцияси: _____

Сертификат сони _____

ТИФ ТН коди _____

Тўловни кафолатлаймиз, бизнинг реквизитлар: _____

Рахбар _____
(мансаби) (имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер _____
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикасида товарларнинг
келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OSHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI
«O'ZBEKEKSPERTIZA»

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«УЗБЕКЭКСПЕРТИЗА»
(ваколатли орган манзили)

ЭКСПЕРТИЗА ДАЛОЛАТНОМАСИ № _____

1. Тузилган сана _____
2. Тузилган жойи _____
3. Далолатнома тузувчи эксперт _____
4. Экспертиза _____

(корхона номи, корхона вакили фамилияси, исми, шарифи)

_____ қатнашчилигида ўтказилди.

5. Асос: наряд № _____ сана _____ й.
6. Экспортёр _____

7. Ишлаб чиқарувчи _____

8. Сотиб олувчи _____

9. Шартнома _____

10. Товар номи, сони _____

11. Экспертиза мақсади: товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш _____

12. Такдим этилган ҳужжатлар (хом ашё, ярим тайёр маҳсулот тўғрисида маълумот олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар) _____

(номи, таркиби, артикул)

13. Экспертиза натижасида аниқланди: _____

Эксперт _____
(имзо)

Корхона вакиллари _____
(имзо)

М.Ў.

14. Эксперт хулосаси: юқорида кўрсатилганлар асосида маҳсулотнинг ҳақиқатдан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилганлиги тасдиқланади.

Маҳсулот коди _____

Келиб чиқиш мезони _____

Экспертиза бошланиши _____ (сана) Экспертиза якуни _____ (сана)

Эксперт _____
(имзо)

М.Ў.

Далолатнома рўйхатга олинган сана _____

Ўзбекистон Республикасида товарларнинг
келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OSHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI
«O'ZBEKEKSPERTIZA»

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«УЗБЕКЭКСПЕРТИЗА»
(ваколатли орган манзили)

ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

№ _____ сана _____

I. Экспертиза буюртмачиси: _____

II. Эксперт: _____

III. Экспертиза асоси: _____

1. Наряд № _____

2. Ариза № _____

IV. Экспертиза мақсади: _____

V. Экспертиза (ўрганиш) натижаси _____

Эксперт _____

М.Ў.

Бўлим бошлиғи
томонидан рўйхатга олинди _____

Мухрсиз ҳақиқий эмас

Ўзбекистон Республикасида товарларнинг
келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

1. Юк жўнатувчи/Экспортёр (номи ва почта манзили)			4. № ТОВАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТЎҒРИСИДАГИ СЕРТИФИКАТ (умумий шакл) Ўзбекистон Республикасида берилган		
2. Юкни қабул қилувчи/Импортёр (номи ва почта манзили)					
3. Транспорт воситаси ва йўналиши (имкон қадар маълум бўлса)			5. Хизмат қайдлари учун		
6. №	7. Товар маркировкаси ва қадок рақами	8. Жойлар сони, қадок тури ва маҳсулот номи	9. Келиб чиқиш мезони	10. Брутто/ соф вазни (кг)	11. Ҳисобварақ- фактуранинг рақами ва санаси
12. Гувоҳлантириш Мазкур билан ариза берувчи декларацияси ҳаққонийлигини тасдиқлаймиз (имзо) (сана) (муҳр)			13. Ариза берувчи декларацияси Қуйида имзо қўювчи юқорида кўрсатилган маълумотлар ҳаққонийлиги ва барча маҳсулотлар _____дан келиб чиқишини тасдиқлайди. (имзо) (сана) (муҳр)		

Эксперт:

Ўзбекистон Республикасида товарларнинг
келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

АРИЗА

(Товарларнинг келиб чиққанлиги тўғрисидаги
сертификатни тасдиқлаш учун)

Импорт қилувчи _____
«Ўзбекэкспертиза» ОАЖ билан _____ санада тузилган
_____ -сонли шартнома асосида _____ -сонли _____ сана-
даги юк ҳужжатлари асосида келиб тушган _____ -сонли
_____ санада берилган товарларнинг келиб чиққанлиги тўғри-
сидаги сертификатни тасдиқлаб беришингизни сўрайди.

Тўловни кафолатлаймиз, бизнинг реквизитлар _____

Раҳбар
(мансаби)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

280 Нефть ва газ ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
13 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2132*

(2010 йил 23 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Нефть ва газ ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 20 июль,
138-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2010 йил 20 июлдаги
138-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Нефть ва газ ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун
махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда
ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
I. Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш, нефть, газ, газ конденсати, озокерит қазиб олиш, газ конденсати, табиий ва нефть газини қайта ишлаш, нефть ва газ маҳсулотларини етказиб бериш ва сақлаш, нефть омборлари			
I-боб. Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш			
1.	Нефть ва газ учун қидирув ва ишлатиш қудуқларини бурғулаш бурғуловчиси, нефть ва газ учун қидирув ва ишлатиш қудуқларини бурғулаш бурғуловчиси ёрдамчиси, қидирув ва ишлатиш қудуқларини электр бурғулашда бурғуловчи ёрдамчиси, қудуқларни механик айланма бурғулаш бурғуловчиси, қудуқларни механик айланма бурғулаш бурғуловчиси ёрдамчиси	Брезент костюм ёки сув ўтказмайди- ган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	0,5
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
2.	Минора монтажчиси, минора пайвандчи монтажчиси, минора монтажчи-электр монтажчи	Брезент костюм ёки сув ўтказмайди- ган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Сақловчи белбоғ (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Пайвандлаш ишларида қўшимча равишда:	
		Юзни ҳимояловчи тўсиқ	Яроқсиз бўлгунча
		Электр токи билан ишлаганда қўшимча равишда:	
		Диэлектр калиш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Диэлектр қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
3.	Тупроқли очиқ конда ишловчи тоғ ишчиси, дизелчи-бурғулаш қурилмаси машинисти	Брезент костюм	24
		Кирза этик ёки резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
4.	Дизелчи-бурғулаш қурилмаси мотористи	Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	0,5
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
5.	Бурғулаш ускуналарини бутлаш билан ишловчи, асбоб ва буюмлар бутловчиси, бурғулаш қувурлари текширувчиси	Ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
6.	Қудуқлардан намуна олувчи кўтаргич машинисти	Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
7.	Қудуқларни цементлаш бўйича машинист, цементлаш агрегати мотористи, цемент-кум қориш агрегати мотористи	Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
8.	Бурғулаш жойи қозонхонасида хизмат қилувчи қозонхона машинисти (ўт ёқувчи)	Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12 (18)
9.	Оператор- коллектор	Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Ип газлама костюм	18
10.	Цементлаш назорати станцияси оператор-мотористи, қудуқларни цементлаш бўйича оператор, сейсмик тебратгич бўйича оператор	Резина этик	18
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Противогаз (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
11.	Кудуқларни текшириш (синаш) бўйича оператор	Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
12.	Кудуқлар мустаҳкамлигини синовчи, бурғулаш қувур-	Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Респиратор (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Брезент костюм ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	9
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Сув ўтказмайдиган плаш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
	ларини сошлаш ишларини олиб боровчи машинадаги созловчи, бургулаш қулфларини ўрнатувчи	Брезент қўлқоп	1
		Каска	Яроқсиз бўлгунча
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Қудуқлар мустаҳкамлигини синовчи учун қўшимча:	
		Брезент фартук (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
13.	Бургулаш жойида ишловчи дурадгор	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Сув ўтказмайдиган плаш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Брезент елкапўш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
14.	Кувур ва асбоблар омбори ёки майдонидаги ёрдамчи ишчи (транспорт билан)	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	18
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
15.	Бургулаш эритмасини тайёрловчи	Брезент костюм	24
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
16.	Ток ўтказгичларни ямаш ишларини олиб боровчи резина буюмлар таъмирчиси	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
17.	Бургулаш жойларида хизмат қилувчи чилангар	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
18.	Бургулаш жойларида хизмат қилувчи электр монёри	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	0,5
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Диэлектр қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Диэлектр калиш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Сақловчи белбоғ (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		19.	Бургулаш устаси, бургулаш устаси ёрдамчиси, бургулов бошлиғи, геолог муҳандис-технолог, мураккаб ишлар бўйича уста (муҳандис), минора қуриш бўйича иш бошловчи, қудуқларни маҳкамлаш, бургулаш, минора қуриш цехларида (майдонларда) ишлайдиган мутахассислар, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва техника хавфсизлиги муҳандиси, қудуқ ва бургулаш жойларида мунтазам назоратни олиб боровчилар, энергетик
Кирза этик	12		
Комбинацияланган қўлқоп	2		
Сув ўтказмайдиган плаш	36		
Каска	24		
Каска остидан кийиладиган шлем	12		
Қишда қўшимча равишда:			
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36		
Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48		
II-боб. Нефть, газ, газ конденсати ва озокерит қазиб олиш			
20.	Қудуқларни капитал таъмирловчи бургуловчи, қудуқларни капитал таъмирловчи бургуловчи ёрдамчиси, баландликдаги ишларни бажарувчи бургуловчи ёрдамчиси	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент ёки комбинацияланган қўлқоп	0,5
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Баландликда иш олиб бораётганда қўшимча:	
		Сақловчи белбоғ (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
21.	Қудуқлар дебитини ўлчовчи	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
22.	Тажрибачи-коллектор	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина этик	18
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Резина қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли куртка	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
23.	Қатламга ишчи омилни ҳайдаш бўйича насос станцияси машинисти	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
24.	Бўғли кўчиб юрадиган парафинсизлантириш қурилмаси машинисти, нефть қатламларига буг ҳайдаш бўйича бўғли генератор қурилмаси машинисти	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
25.	Кўтаргич машинисти, ювиш агрегати машинисти, 320-цемент агрегати машинисти, қудуқларни капитал таъмирлаш учун қурилма машинисти, бўғли кўчиб	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
	юрадиган парафинсизлантириш қурилмаси машинисти, нефть қатламларига буғ ҳайдаш бўйича буғли генератор қурилмаси машинисти	Ташқарида бажариладиган ишларда қишда кўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
26.	Нефть-газ конларига хизмат кўрсатиш агрегати машинисти	Брезент ёки ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда кўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
27.	Газ конлари тизимида хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича линия назоратчиси	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	1
		Брезент плаш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда кўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
28.	Сувсизлантириш ва тузсизлантириш қурилмаси оператори	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Диэлектр калиш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Диэлектр қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Противогаз	Яроқсиз бўлгунча
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда кўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
29.	Нефть ва газ қазиб олиш бўйича оператор, газ йиғиш бўйича оператор	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина пойабзал ёки кирза этик	12
		Брезент қўлқоп	2
		Сув ўтказмайдиган плаш	36
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Противогаз (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
30.	Қудуқлар тадқиқоти бўйича оператор	Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина пойабзал ёки кирза этик	12 (18)
		Брезент қўлқоп	2
		Сув ўтказмайдиган плаш	36
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
31.	Қатлам босимини сақлаш бўйича оператор, қудуқларни капитал ва ер ости таъмирига тайёрлаш бўйича оператор, қудуқларни ер ости таъмири бўйича оператор	Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	9
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Сув ўтказмайдиган плаш	36
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Брезент ёки сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
32.	Қатламларни гидравлик ёриш бўйича оператор, қудуқларни кимёвий ишлаш бўйича оператор	Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Кислота билан ишлаганда қўшимча:	
		Резина фартук (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Резина қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	18
		Кирза этик	12
33.	Геолог, муҳандис-технолог, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, уста, механик, цех бошлиғи, участка бошлиғи, нефть ва газ қазиб олишнинг	Комбинацияланган қўлқоп	2
		Сув ўтказмайдиган плаш	36
		Каска	24
		Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
	белгиланган цех объектларида мунтазам назоратни олиб боровчи энергетик	Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
III-боб. Нефть ва газ маҳсулотларини етказиб бериш ва сақлаш, нефть омборлари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари			
34.	Газ ўлчовчи	Ип газлама костюм	12
		Брезент костюм	12
		Бензинга чидамли резина этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Ички кийим	6
		Противогаз	Яроқсиз бўлгунча
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
35.	Нефть ва нефть маҳсулотлари бўйича назоратчи	Ип газлама костюм	18
		Чарм пойабзал ёки кирза этик	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
36.	Газ тақсимлаш станцияси машинисти	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
37.	Ёқилғи ва мойларни синаш билан шуғулланадиган мотор ёқилғисини синаш бўйича машинист	Ип газлама халат	12
		Резина фартук (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Резина қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
38.	Ер ости қувур узатгичларни емирилишдан ҳимоялаш бўйича монтаж	Сув ўтказмайдиган модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Кирза этик	18
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Сув ўтказмайдиган плаш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Каска	24
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
39.	Баллон тўлдирувчи, баллонларни синовчи, баллонларни қабул қилувчи	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Каска	24
		Каска остидан кийиладиган шлем	12
		Противогаз	Яроқсиз бўлгунча

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
40.	Линия назоратчиси, линия қувур ўтказувчиси	Брезент костюм	12
		Брезент плаш	24
		Чарм пойабзал кирза этик	12 (18)
		Брезент қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
41.	Йўл ва сунъий иншоотлар назоратчиси	Ип газлама костюм	12
		Кирза этик	12
		Чодир-плаш ёки брезентланган газламадан плаш	36
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Темир йўлларда иш олиб боришда қўшимча:	
		Сигналли нимча (ёзги)	12
		Сигналли нимча (қишки)	12
42.	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси оператори, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси катта оператори	Ип газлама комбинезон	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Сув ўтказмайдиган плаш (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Автомобилларга ёқилғи-мойлаш воситаларини қўювчиларга қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка ва шим	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Этиланган бензин билан ишлаганда қўшимча:	
		Резина фартук	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	12
43.	Газ тақсимлаш станцияси (ГТС) оператори	Ип газлама костюм	12
		Комбинацияланган қўлқоп	3
		Ташқарида бажариладиган ишларда қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Кигиз этик (Қорақалпоғистон)	48
		Одорант билан ишлаганда қўшимча:	
		Резина фартук (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойлар ҳисобида)
		Резина қўлқоп (навбатчи)	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	12
